



ТАШҚИ БАНК АУДИТИДА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ

Мадгазиева Динара

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0001-8073-3479

dinaraoy@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларида консолидациялашган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувини амалга ошириш ва халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик ҳисоботини тузиш амалиёти кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Банкларда аудит амалиётида ташқи аудитор томонидан аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масаласи, АХСни жорий этишда унинг ўзига хос жиҳатлари ва аудиторлик амалларини ташкил этиш тартиби ва уни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, банкларда аудит амалиёти, аудитнинг халқаро стандартлари, банк аудитининг хусусиятлари, аудиторлик ҳисоботи, консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити.

ВОПРОСЫ СОСТАВЛЕНИЯ АУДИТОРСКОГО ОТЧЕТА ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ВНЕШНЕГО БАНКОВСКОГО АУДИТА

Мадгазиева Динара

Банковско-финансовая академия

Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье рассматривается и анализируется практика проведения аудита консолидированной финансовой отчетности в коммерческих банках и составления аудиторских заключений на основе международных стандартов аудита. В практике аудита в банках рассматривается вопрос применения международных стандартов аудита внешним аудитором, его особенности при внедрении МСА и порядок организации аудиторских отчетов и практические предложения по его совершенствованию.

Ключевые слова: международные стандарты, МСФО в банковской практике, особенности банковской деятельности, международные стандарты аудита, аудит консолидированной финансовой отчетности.

ISSUES RELATED TO THE PREPARATION OF AN AUDIT REPORT DURING AN EXTERNAL BANKING AUDIT

Madgaziyeva Dinara

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. *This article examines and analyzes the practice of auditing consolidated financial statements in commercial banks and preparing audit reports based on international auditing standards. In the practice of auditing in banks, the issue of the application of international auditing standards by an external auditor, its features in the implementation of ISAs and the organization of audit reports and practical suggestions for its improvement are considered.*

Keywords: *international standards, IFRS in banking practice, banking specifics, international standards on auditing, consolidated financial statements.*

Кириш.

Банк аудитининг ривожланишида, дастлабки қабул қилинган ҳужжатлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1996 йил 24 июлдаги ПФ-1500-сонли Фармони (1996) асосида "Банк тизимига ишончни мустаҳкамлаш, банкларни аудиторлик текширишлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ҳолисона таҳлил қилиш жараёнини йўлга қўйиш мақсадида банк аудитини амалга оширишга нисбатан Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг талаблари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш юклатилган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа қонун ости ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида ушбу ҳужжатларни амалиётга жорий этиш мақсадида қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб улар банк тизимида банк аудитини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнларида бевосита асосий ўринни эгаллайди.

Адабиётлар шарҳи.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда банк аудитини ривожлантириш ва унинг асосий норматив-ҳуқуқий асосларини белгилашга катта эътибор берилмоқда. Бунда белгиланган асосий вазифаларни амалга оширишда унинг методологик асоси қуйидаги ҳужжатлар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомда, энг аввало, ички аудит ва ички аудит хизматига таъриф берилган. Ички аудит - банк ходимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банк ичида доимий асосда тузилган мустақил тузилма ҳисобланади. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва унинг натижаларини объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банк фаолиятининг мақсади эришишида кўмаклашиш ҳисобланади. Ички аудит хизмати банкда ички назорат ҳолатини, жумладан, молия-хўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш ва мониторингни амалга оширувчи, шунингдек, банк операциялариини самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар

берувчи мустақил таркибий тузилма ҳисобланади. Ҳар бир банк Ички аудит хизматини ташкил этиш, шунингдек, банк Кенгаши тасдиқлайдиган қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- 1) "Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом";
- 2) "Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари";
- 3) "Бош ички аудитор лавозими йўриқномаси"ни ишлаб чиқиш ва амалга киритиши шарт.

Ушбу Низомда асосий эътибор берилган масалалардан бири аудиторлик қўмитаси ҳисобланади. Аудиторлик қўмитаси Банк Кенгаши томонидан тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилади ва ушбу қўмита таркибига фақат банк Кенгаши аъзолари киритилади.

Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари Банк Кенгаши раиси тавсиясига биноан Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси таркибига Банк Кенгашининг камида учта аъзоси киритилиши керак. Аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи Банк Кенгашининг аъзолари банк фаолиятига жавоб берадиган бошқа Кенгаш қўмиталари аъзолари этиб тайинланмаслиги лозим.

Аудиторлик қўмитаси аъзолари аудит хизмати вазифалари ва фаолиятини ташкиллаштириш учун олий маълумотга ва етарли иш тажрибасига эга бўлишлари лозим. Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича малакага эга бўлиши ҳамда бухгалтерия ҳисоби ёки аудит бўйича мутахассис бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари, уларга қўйилган талаблар, аудит хизмати раҳбарияти ва ходимларига қўйилган талаблар, аудит хизмати мустақиллиги батафсил ёритилган. Ички аудит билан назорат қилувчи органлар, Марказий банк билан бўлган муносабатлари бўйича масалалар ёритилади.

Шундай қилиб, ушбу низомда банк аудитини ташкил этиш масалалари ўз ечимини топганлигини кўришимиз мумкин.

Тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудитнинг асосий мақсади тижорат банкларининг фаолиятини аудит текширувларини халқаро аудит стандартлари (ХАС) асосида амалга оширилиши ҳисобланади. Чунки банк тизимини аудит қилиш жараёнида албатта умумқабул қилинган тартиб асосида яъни аудитнинг халқаро стандартлари асосида ташқи аудиторлик текшируви амалга оширилади. Бунда ХАС асосида тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилишда банк фаолиятини ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчиликка мос келишлиги текширилади. Ташқи банк аудитини ўтказиш жараёнида аудиторлар томонидан тижорат банкларининг ички назоратидаги камчиликлар ҳақида алоҳида аудиторлик ҳисоботида кўрсатилади.

Аудит билан шуғулланувчиларнинг профессионал даражасининг холисона баҳоланишини таъминлаш ва банк аудити бўйича малака сертификатига эга бўлган аудиторларнинг мавжудлигини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериш масаласини кўриб чиқиш мақсадида Марказий банк томонидан банк аудити бўйича махсус комиссия тузилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу комиссия зиммасига ташқи аудит билан боғлиқ қуйидаги масалалар бўйича келиб тушган материалларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси юклатилди:

- 1) аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда молиявий ҳисобот шакллари ташқи аудит текширувларини амалга ошириш жараёнида банк аудити текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатларини бериш ёки бермаслик;

2) аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларни банкларда аудит текширувларини амалга ошириш ҳуқуқини олган аудиторларни рўйхатига киритиш;

3) қайдлов маълумотлари ўзгарган ҳолда аудиторлар рўйхатига тегишли ўзгаришлар киритиш;

4) аудиторлар малакасига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

5) малака имтиҳонларини ўтказиш ва аудиторлар малакасини аттестация қилиш;

6) банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатларини бериш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

Тижорат банклари аудиторлик текширувларини ўтказиш учун Марказий банкнинг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлган аудиторлик ташкилотини мустақил равишда танлайди.

Аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ва ҳар қандай битимлар аудиторлик ҳисоботини марказий банкка беришни чеклаш бўйича бандларни кўзда тутмаслиги лозим.

Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари ҳар йили йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботлар асосида амалга оширилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ давлат муассасалари талабига кўра ёки банкнинг ўз ташаббуси билан бутун банк фаолияти ҳамда алоҳида масалалар бўйича ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида банкларнинг фаолиятини ташқи аудит қилиш жараёнида банк аудити бўйича шуғулланадиган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар тижорат банкларининг умумий йиллик фаолияти бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот, молиявий ҳисоботга изоҳ ва тушунтиришлар каби консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг тўғрилигини уларни бухгалтерия ҳисобидаги кўрсаткичларига асосланган ҳолда тасдиқлайдилар ёки ушбу кўрсаткичлар амалиётдаги маълумотларга мос келмаса тасдиқламайдилар. Шунингдек, ушбу масалада иқтисодчи-олим Ибрагимов (2013) фикрига кўра: тижорат банкларининг йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботи, унга илова қилинган изоҳ ва тушунтиришларини аудиторлик текширувлари натижасида расмий равишда консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг асосланганлиги ва тўғрилигини тасдиқлаб аудиторлик хулосаларини тақдим этади ва унинг асосида тижорат банклари консолидациялашган молиявий ҳисоботларини чоп этиши мумкин бўлади. Чунки аудиторлик хулосасисиз тижорат банклари ўзларининг консолидациялашган йиллик молиявий ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим эта олмайди, унинг томонидан қабул қилинмайди ва матбуотда чоп этилмайди.

Демак, аудиторлик ташкилотлари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичларининг аудит қилиниши натижасида шакллантирилган аудиторлик хулосасининг сарварағида аудиторлик фирмасининг тўлиқ номи, банк аудити билан шуғулланиш учун берилган сертификат рақами, аудиторлик хулосаси қайси банк учун берилаётган бўлса, шу банкда аудит ўтказилиши учун маъсул аудиторлар имзо чекадилар ва бу имзо аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланади. Ушбу тижорат банкининг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси Марказий банк аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича қўйиладиган талабларга мос шаклда тузилиши ҳамда аудиторнинг фикрини аниқ ифодалаши лозим (Ибрагимов ва бошқ., 2014).

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва уни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга урғу берилиши молиявий ҳисоботни замонавий талабларга мослаш ва уларни жаҳон

ҳамжамиятда белгиланган тартибда юритишни тақозо қилмоқда. Хусусан тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро талабларга мослаб юритилиши натижасида уларни қимматли қоғозларини халқаро фонд биржаларида иштирок этишига ва уларни чет эллик ҳамкорлар билан тўла қонли ишлашига, молиявий ҳисоботларини ҳаққонийлигини текшириш, уларнинг бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишини текшириш халқаро аудити томонидан амалга оширилиши ва улар томонидан белгиланган талабларга мос равишда аудит текширувини халқаро аудит стандартлари ва ички назорат тизимини баҳолаш, таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш масалаларининг ечимини топиш зарурияти пайдо бўлмоқда (Ибрагимов ва бошқалар, 2011).

Тижорат банкларида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантириш, уни халқаро талаблар асосида ташкил этиш, банк тизимининг мақсад ва вазифалари, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари ва ушбу масаланинг амалга ошириш ва МҲХС банк амалиётига жорий қилиш бўйича Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар томонидан бир қанча илмий изланишлар олиб борилган: “Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлардан фойдаланилиш афзалликлари: биринчидан, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисоботларни юритиш – халқаро капитал бозорига қўшилишнинг реал имконияти. Агар корхона халқаро даражадаги ҳисоботга эга бўлмаса, чет эл инвесторлари нуқтаи назаридан рақобатбардош ҳисобланмайди. иккинчидан, Халқаро тажрибага кўра, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган ҳисоботларнинг фойдалилиги, юқори сифатлилиги, кенг маълумотга эгаллиги ва фойдаланувчилар учун қулайлиги. Бугунги кунда кўп фонд биржалари чет эл эмитентлари учун халқаро стандартлар бўйича тузилган ҳисоботларини биржада намоиш этишга рухсат бераётгани бунинг ёрқин мисолидир. учинчидан, вақт ва ресурсни тежаш имкони. тўртинчидан, Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг жаҳон тажрибасини ўзида мужассамлиштирганлиги” (Дусмуратов ва бошқ., 2020). Ушбу масаланинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шуки, бу МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасида тан олиниш шу жумладан банк тизимида халқаро стандартларни жорий этиш масаласини ҳал қилиб берди. МҲХС банк тизимидаги тегишли бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботга таллуқли ҳужжатларнинг тан олиниши ва уни қўллайдиган тижорат банкларининг белгилаб берилиши, ушбу компания ҳисобчи ва молия мутахассисларидан ўз малакаси устида доимий ишлаши ва масъулиятни жиддий ҳис этишини талаб этади.

Бошқа иқтисодчи-олима Чилматова (2022) томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтиш масаласида қуйидагича фикр билдирилганлигини кўришимиз мумкин: “Шуни таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” деган фикрни билдириб асосий эътиборни ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш масаласига қаратади.

Бундан ташқари, ушбу масалада иқтисодчи-олима И.Р.Ибрагимова томонидан шундай фикр билдирилган: “Хорижий мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш усуллариининг самарадорлиги, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўйилган рейтинг натижалари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- кўпчилик давлатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлади;

- ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида фойдаланилади;
- фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни МҲХСларига мос равишда тузилишини талаб қилинганда;
- МҲХС талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компаниялар сони ортганлиги туфайли фойдаланилиши”.

Юқоридагилар туфайли МҲХС бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар МҲХСни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса, мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу изланиш доирасида тижорат банкларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тузиш ва шакллантириш жараёнида халқаро стандартлар асосида банк тизимида ҳисоб тизимини амалга ошириш жараёнидаги муаммолар ва уларнинг ечими, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишнинг ўзига хос жиҳатлари, счётларнинг қолдиқлари, уларни умумлаштириш, бухгалтерия ҳисобининг халқаро амалиётда қўлланиладиган стандартлари, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва уларнинг маълумотларини гуруҳлаш, умумлаштириш билан боғлиқ масалларнинг ечимини топиш ва уларни амалиёти бўйича таҳлилий амаллардан фойдаланиш масалалари ечими топилган. Шу сабабли тижорат банкларида консолидациялашган молиявий ҳисоботни халқаро амалиётга мос шаклда шакллантириш масалаларининг ечими топилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимиздаги банк тизимида халқаро талабларга мос равишда ҳисоб тизимини ташкил қилиш тартибини амалиётда қўллашда ўзига хос жиҳатларини ўрганиш асосида уларни таҳлилий амаллар ёрдамида кўриб чиқиш, банк тизимида ҳисоб сиёсати ва банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри амалга ошириш ва ҳисоботни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсадда банк бухгалтерлари банктаги ҳисоб тизимини ташкил этиш ва унинг асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишдаги асосий тамойиллари ва услубий асосларида етарли даражада фойдаланиши учун ушбу соҳани яхши эгаллаган ва соҳани тушунадиган бўлиши лозим.

Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига мамлакатимизнинг интеграцияси, халқаро ташкилотлар томонидан тавсия қилинган ҳисоб тизимидан фойдаланиши натижасида халқаро банк амалиётида қабул қилинган услубий тамойилларни, ҳисоб тизимини хорижда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари билан мувофиқлашувини амалга оширишни лозимлиги халқаро амалиётдан келиб чиқмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг халқаро банк тизимида уйғунлашуви масаласида банкларнинг халқаро талабларга мос келадиган ҳисоб тизимини қўлланиши муҳим масала ҳисобланади ва чунки тижорат банкларининг қимматли қоғозларини халқаро фонд биржаларида котировка қилишида молиявий ҳисоботлар биржа талабларига мос равишда ташкил этилиши муҳим ҳисобланади.

Халқаро талабларга мос равишда банкларда консолидациялашган молиявий ҳисоботни шакллантиришда банк тизимининг хусусиятини албатта инобатга олиш лозим ва бунда қуйидаги умумий тартибга қўшимча равишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиши лозим деб ўйлайлаймиз:

- 1) IAS № 7 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”, IAS №8 “Молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсати”);
- 2) Банкларда консолидациялашган молиявий ҳисоботлар (IAS №27 “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисоботлар”);

3) Тижорат банкларида молиявий инструментларнинг ўзига хос жиҳатлари (IAS №32 “Молиявий инструментлар: ахборотни тақдим қилиниши”, IFRS №7 “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиб бериш”, IFRS №9 “Молиявий инструментлар”) каби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоб тизими ташкил қилинади.

Шундай қилиб, тижорат банкларида амалдаги активларни жорий мажбуриятлар билан солиштириш имконияти туғилади. Бу эса тижорат банкларида баланснинг ликвидлигини аниқлашда ахборот фойдаланувчиларига қулай имконият яратади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда банкларда халқаро молиявий ҳисобот тизимига интеграциялашувида ва ушбу ҳисоб стандартларини амалиётда қўлланишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш натижасида қуйидаги асосий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларининг якуний натижаси ҳисобланган консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичларини халқаро амалиётда қўлланиладиган талаблар асосида консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишда асосий масала уларни МХХС томонидан ишлаб чиқилган халқаро тамойиллар асосида ташкил этиш;

2. Халқаро банк тизимига интеграциялашуви жараёнида хорижий пул ўтказмалари ва чет эл банклари билан ўзаро ахборот алмашинуви, пул ўтказмалари, бошқа банк амалиётини ташкил этишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботларини уларга ўзаро мувофиқлаштириш.

Шундай қилиб ушбу мақола доирасида мамалакатимиздаги банк тизимиг фаолиятида халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш бўйича таклифларни тижорат банкларининг молиявий ҳисобот амалиётида қўлланиши натижасида тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро даражада қабл қилинган тартиб-тамоийлларга мос равишда ташкил қилиш имконияти яратилади ва уларни халқаро талаблар доирасида тартибга солиш имконияти пайдо бўлади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К., Назаров Х.Х. (2020) Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари / Ўқув қўлланма – Т.: «ТДАУ», – 512 б. Б.45.

Ибрагимов А.К. (2013) Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, -384б. Б.324-325.

Ибрагимов А.К. ва бошқалар. (2011) Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси. –Т.: Молия, -488 б. Б.125-127.

Ибрагимов А.К., Ризаев Н.Қ., Кузиев И.Н., Бердияров Б.Т., Қаюмов Б.Т., Джурсаев К. (2014) Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. –Т.: Молия, -160б. Б.Б.42-46.

Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. И.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. –Тошкент: ТДИУ, -24б. Б.12-13.

Фармон (1996) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1996 йил 24 июлдаги ПФ-1500 сонли Фармони. //www.lex.uz

Чилматова Д.А. (2022) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш.// .SCIENTIFIC PROGRESS. Volume 3 ISSUE 2 | 2022. 552-557б. Б.554.